ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

Meros

№ 1/2023

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” асарининг ўрганилиши ҳақида 3
Абдухалимов Б. Формуляры записей о разделе наследства из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 16
Каримов Ш. Хондамирнинг “Дастур ал-вузаро” асарида Ғазнавийлар давлати вазирлари ҳақида 27
Файзуллаев Ф. Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар 36

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Раджабова Д. Тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш (XIX аср охири рус шарқшунослиги ва XXI аср бошларидаги ўзбек манбашунослигидаги қарашлар) 49
Пуговкина О. Правовой статус «бывших людей» в советских конституциях ТАССР – УзССР (1918-1937 гг.) 61
Тошев С. Турк тилидаги тадқиқотларда мустақил Ўзбекистон тарихининг ёритилиши..... 74

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Исматова Н. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг ҳолати ва хусусиятлари 84

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Миркомилов Э. Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари 99

Разаков Ф. Англо-турецкое сотрудничество по противодействию экспансии России в Кокандском ханстве и в Восточном Туркестане (1860–1878гг.) 109

ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ

Таниева Г. XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири 128

Разакова М. Одина Хоразмийнинг тасаввуфдаги баъзи истилоҳларга шарҳи 137

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н. Сведения “Мин шилу” о торгово-посольских связях Китая и государств Центральной Азии в XIV–XV вв. 146

Алимова Л. Трансформация семейных отношений в Южнокорейском обществе в конце XX века 158

Акрамова Ш. Межгосударственное сотрудничество Республики Узбекистан и КНР 168

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 2 июндаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

20.09.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ

Г. Таниева

XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири

Ўрта асрларда турли мусулмон ўлкалар халқлари орасида савдо-сотиқ ва маданий алоқалар, илм ўрганиш ҳамда ҳаж қилиш мақсадларида ўзга юртларга саёҳат қилиш кенг ёйилган. Ҳаж сафарлари асрлар бўйи узлуксиз давом этиб, мазкур йўналишдаги барча халқлар маънавий-маданий тараққиёти ва иқтисодиёти ривожига ҳам хизмат қилган. Ўрта Осиё халқларининг ҳаж ва илмий сафарлари ҳақида айрим тадқиқотлар таркибида қисқа маълумотлар учрайди. Бироқ бу мавзу ҳалигача етарлича илмий асосларда ўрганилмаган. И. Низомиддинов тадқиқотида бирламчи манбаларга таяниб, Ўрта Осиё хонликларининг Шарқ мамлакатлари билан маданий ва иқтисодий алоқаларига оид ахборот беради. Б. Аҳмедовнинг манбашуносликка оид ишлари, Д. Юсупова ва Р. Жалилова ҳамкорлигида тайёрланган Ўрта Осиё тарихи манбашунослиги масаласига доир тадқиқотлар ва катологда ҳам ушбу мавзуга доир муҳим маълумотлар учрайди [11: 234; 14: 143].

Хорижда Ҳ. Алгар, Д. Васильев каби тадқиқотчилар архив ва бирламчи тарихий манбалар асосида Ўрта Осиё хонликлари ва Усмонийлар салтанати ўртасидаги дипломатик, маданий алоқалар тарихига оид қизиқарли ахборотлар келтирган [12: 122; 3: 260; 16: 408; 4: 21–136; 5: 353]. Ушбу мақолада сўнгги асрларда Ўрта Осиё аҳолиси ҳаж сафарлари ва бу жараённинг бошқа халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири масаласига эътибор қаратилди.

Манбаларда буюк муҳаддис Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810–870) ҳам 16 ёшида Маккага сафар қилиб, у ерда 4 йил ҳадис тўплагани [1: 4–5], Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1140) 38 марта пиёда ҳаж қилиб, 8 минг бутпарастни исломга киритгани ва 17 нафар муриди

етук авлиё даражасига етгани ҳикоя қилинади [2: 49–50, 130]. Баҳовуддин Нақшбанд (1318–1388) ва шогирди Муҳаммад Порсо (1345–1419) ҳаж сафарлари давомида илм ўрганган, айни дамда ўзга юртларда нақшбандийлик ғояларини тарғиб қилган. Неъматуллоҳия тариқати асосчиси Неъматуллоҳ ибн Саййид Абдуллоҳ Кирмоний (1330–1429) ҳам 24 ёшида ҳаж амалларини бажариб, илм ўрганиш мақсадида машҳур сўфий ва тарихчи Абдуллоҳ ал-Ёфеъийдан (1298−1367) таҳсил олади. Устози кўрсатмаси билан Самарқанд, Қаршига келиб, туркий қавмлар орасида тариқати ғояларини ёяди. “Меҳмонномайи Бухоро” асари муаллифи Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон ҳам (тав.1457–ваф.?) икки марта ҳаж қилиб, Макка, Мадина, Қоҳира, Қуддусда йирик алломалардан Қуръон, араб адабиёти, имом Ғаззолий (1058–1111), шайх Суҳравардий (1154–1191) ва Имом Бухорий асарларини ўрганади [12: 18–19].

Хожа Аҳрор Валининг (1404–1490) икки муриди – Абдуллоҳ Илоҳий (ваф. 1490) ва шайх Амир Аҳмад Бухорий (ваф. 1516) Истанбулга келиши сабабли, бу жойларда нақшбандийларнинг дастлабки таккалари пайдо бўлади. Бошқа бир шогирди мавлоно Исмоил Ширвоний (ваф.1527/1535) ҳажга бориб, тахминан 30 йилча Маккада яшайди, нақшбандия тариқати ғояларини тарғиб қилади.

Хожа Аҳмад Косоний Махдуми Аъзам (1463–1542) ва Муҳаммад Ислом Жўйборийнинг (ваф. 1563) муриди Аҳмад Содиқ Тошкандий (ваф.1586) нақшбандия тариқатини тарғиб қилиш мақсадида Истанбулга бориб, у ерда Амир Аҳмад Бухорий таккасини бошқаради. У 1572 ҳамда 1583 йилларда ҳаж амалларини ҳам бажаради [4: 31–34]. Бу маълумотлар нақшбандия тариқати ғояларининг Усмонийлар давлатида кенг ёйилишида ҳаж зиёратчиларининг ўрни катта бўлгани, икки халқ илм-фани ва маданиятини бойитганини кўрсатади. Бу ҳолат Макка, Мадина, Бағдод, Дамашқ, Жидда каби йирик шаҳарларда ҳам кузатилади. Йирик сўфий шайхлар бу масканларда бир муддат қолиб, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказган, ўз ғояларини тарғиб қилган.

Тахминан, 1625−1626 йилларда Абдураҳимхожа Жўйборий Макка сафарига отланади ва ўзи билан Ҳиндистонга совға сифатида қимматбаҳо буюмлар қаторида чиройли безак бериб кўчирилган кўплаб китоблар ҳам олади [2: 317]. XVII асрда Мир Абу Толиб ал-Ҳусайний ал-Турбатий ҳаждан қайтишда Яманда Жаъфар пошо кутубхонасидан туркийда ёзилган “Темур тузуклари”ни топади ва Аграда Шоҳжаҳон (1628−1658) хизматига кириб, унинг топшириғига кўра, 1638 йилда асарни форс тилига таржима қилади [15: 105]. Машҳур хаттот Саййид Абдуллоҳ Бухорий Истанбулга бориб, у ерда

настаълиқ хатининг оммавийлашувига сабабчи бўлади ва Муҳаммад пошо буйруғига биноан “Шоҳнома” асарини кўчиради [16: 257]. У 1647 йили Ҳижозда вафот этади.

Кўпинча алломалар, илм аҳлининг ҳаж сафарлари уларга турли ноёб асарларни топиш, уларни ватанларига олиб келиш, таржима қилиш имконини берган. Аштархонийлар сулоласи вакилларидан ҳожи Мир Муҳаммад Салим (XVII аср охири – XVIII аср биринчи ярми) 1712–1716 йилларда Бағдод, Ҳалаб, Дамашқ, Истанбул орқали ҳаж амалларини бажариб қайтишда Бобурий ҳукмдор Носириддин Муҳаммадшоҳ (1719−1748) хизматига киради ва унинг топшириғи билан тахминан, 1730 йилда “Силсилат ас-салотин” асарини ёзади [3: 103]. Демак, илм аҳллари ҳаж сафарлари давомида турли мусулмон ҳукмдорларининг эътиборига тушган, ана шу халқлар маданий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган. Ҳаж сафарлари зиёратчиларнинг ўзга халқлар тилларини ҳам ўрганишга рағбат берган. Муҳаммад Ҳакимхон Тўра (тав.1802/1803–ваф.?) ҳаж сафари давомида Қоҳирада сулс хати, рус, араб, форс, турк тиллари; қўқонлик Муҳаммад Ҳиндистоний (1892–1989) урду тилини ўргангани ҳақида маълумотлар мавжуд [10: 514, 562, 584; 8: 2]. Туронда кашф қилинган сув юзасига нақш солиш – абру санъати [1] XVIII−XIX асрларда Истанбулда тарқалишида ҳам бухоролик нақшбандия тариқати вакилларининг хизмати катта бўлган [7: 25]. Бу воқеалардан турли саёҳат ва зиёратлар ноёб асарлар, хаттотлик, безак ва нақш каби санъати турлари ва дунёга ёйилишига ижобий таъсир этгани сезилади. Баъзан ҳукмдорлар томонидан айрим зиёратчиларга ноёб китоблар ҳадя этилган ёки аксинча бўлган. Эроннинг Сарандаж вилояти ҳокими Хусравхон ҳаждан қайтаётган Муҳаммад Ҳакимхон Тўрага наслдор от, юз тилла, икки қути аъло навли мумиё ва “Нафоис ал-мазмун” (“Нафис мазмунлар”) номли[2] китоб тортиғи шундай воқеалардан биридир [10: 604]. Бу каби ҳодисалар ҳаж сафарлари турли халқларни илм-фан, маданият, маърифат соҳаларида яқинлаштирувчи воситалардан бири бўлганини кўрсатади.

[1] Туркия бугунги кунда абру (эбру) санъатнинг энг ривожланган марказидир. 2014 йилда илмий сафаримиз даврида Истанбул шаҳридаги айнан бухороликлар таккасида шу санъат билан шуғулланган шайх Нажмиддин Ўқёй авлодлари яшаб келаётгани ва бу такка биносида абру санъатини ўргатиш ўқув маркази фаолият олиб бораётганига гувоҳ бўлдик.

[2] Бу асар мазмуни ва муаллифи ҳам маълум эмас.

Ҳаж сафарларининг маънавий ҳаётдаги бир муҳим жиҳатларидан яна бири сифатида ўртаосиёлик айрим зиёратчиларнинг ўзи, ё пирининг саёҳатлари ҳақида асарлар ёзиб қолдирганини келтириш мумкин. Шайх Ҳусайн Хоразмий маноқиби, Абдулазизхон ҳажномаси, Муҳаммад Ҳакимхон Тўра асари, Саййид Аҳмадхожа нақиб ибн Муҳаммад Юсуфхожа нақиб Бухорий ҳаж сафарномалари ўз даврида йўл кўрсатувчи қўлланма, турли халқлар маданияти билан таништирувчи асарлар эди. Улар бугунги кунда ҳам тарих, география, халқларнинг этнографияси, халқаро алоқалар, ҳаж йўллари ўтмиши каби масалаларни ўрганишда бирламчи манбалардир. Улар Ўрта Осиё халқлари ва инсоният маданий бойликлари қаторидан муносиб жой олган. Айрим ҳожилар ўзларидан кейинги зиёратчилар фойдаланиши учун сафар, зиёрат амалларини бажаришга оид махсус асарлар ёзган. Муҳаммад Порсонинг “Тарихи Макка” асари ҳам айнан ҳаж зиёратчилари илтимосига биноан савол-жавоб тарзида ёзилган. Унда Каъба, унинг дарвозалари, Макка, Мадина масжидлари, муқаддас шаҳарларда жойлашган қутлуғ қабрлар, уларда дафн этилган шахслар, зиёрат қилиш тартиби ҳақида маълумот берилади. Ҳожи Абдураҳмон Самарқандийнинг (XIX аср ўрталари) “Рисолат ал-муборака табйин аҳвол ал-Маккат ал-муаззама ва-л-Мадинат ал-мунаввара ва-л-Масжид ал-Ақсо” (“Маккаи муаззама ва Мадинат ул-мунаввара ва Масжид ал-Ақсонинг муборак аҳволи ҳақида рисола), Мулла Мирза Олим ибн домулла Мирза Раҳим Тошкандийнинг (XIX−XX аср боши) “Каъбатуллоҳи шарифнинг дарвозалари баёни” асарларида Макка, Мадина, Каъба ва унинг тузилиши, муқаддас шаҳарлар орасидаги масофалар баён қилинган [1: 16*а*–18*а*; 8: 24*б*].

“Шарқ қўлёзмалари тўплами”га киритилган ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги 10 дан ортиқ шу мазмундаги асарлар ўз даврида ҳаж зиёратчилари учун йўл кўрсаткичи вазифасини ўтаган. Улар ҳозирги давр илм-фанида Эрон, Арабистон, Ироқ, Туркия, Ҳиндистон, Миср, Арманистон, Озарбайжон, Кавказ, Қрим каби мамлакат ва ҳудудлар тарихини ўрганишда бирламчи муҳим манбалардир [13: в. 76*б*–106*а*; 6: в.16; 14: в. 502]. Ҳожилар сафарда бошидан кечирган ёки эшитган ғаройиб воқеалар тўғрисида қизиқарли оғзаки ҳикоялар ҳам халқ орасида сақланиб қолган. Аҳмад Донишнинг “Наводир ал-вақое” (“Нодир воқеа”) асарида улардан айримлари келтирилади [5: 198–288].

Зиёли зиёратчиларнинг сафар давомида ўзга юрт мадрасаларида мударрислик қилиши масаласи таҳлилида ҳам ҳаж сафарларининг

турли халқлар маданиятига таъсири кўринади. Манбаларда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор муридларидан Мавлонозодайи Ўтрорий ҳаждан қайтишда Дамашқ [15: 457], самарқандлик шоир ва олим Мирзода Муфлис Самарқандий 1571 йили Маккага кетишда Агра мадрасасида 3-4 йил мударрислик қилиб, ижодий фаолияти билан Ҳиндистон маданий ҳаёти ривожига муносиб ҳисса қўшгани ҳақида маълумотлар учрайди. Бухоролик шоир Чандуйи Бухорий ҳинд йўли орқали ҳажга кетиб, бир муддат шаҳзода Салим хизматига кирган. Маккадан қайтгач, Бухорода Фитратий тахаллуси билан ижод қилиб, адабий жараёнларда фаол иштирок этади. Самарқандлик йирик олим, шоир Қози Муҳаммад Содиқ Охунд 1567−1570 йиллар оралиғида ҳаж қилган. Бир неча йил Лоҳурдаги Аҳмадхожа мадрасасида талабаларга таълим беради. Ҳаждан қайтишда 1570 йилгача Аградаги мадрасалардан бирида мударрислик қилади [9: в. 70*б*–71*а*]. У Самарқандга келиб, Абдуллахон даврида Самарқанд қозиси лавозимида фаолият юритади.

Бухоролик машҳур хаттот Хожа Собир (XVII) Маккадан қайтишда Ҳиндистонда қолиб, 20 йил саройда котиблик қилади. Шу даврда яшаган шоир Мунъим Самарқандий ҳам ҳаждан қайтишда Аврангзеб (1618–1707; ҳукмронлик йиллари 1658–1707) ҳузурида мингбоши лавозимида хизмат қилади. Улар қаторига Аврангзеб томонидан Кобулга қози этиб тайинланиб, бир йилдан сўнг пойтахтга чақирилган шоир Дастур Насафий, сарой кутубхоначиси Мирсаид Жалол, Ломе Насафий ва Садотхожа Соме каби шоирлар ҳам қўшилади. Улар ҳинд халқи маърифий, ижтимоий ҳаёти ҳамда икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар ривожига муносиб ҳисса қўшган [11: 122–125].

Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг ёзишича, ҳаждан қайтаётган хўжандлик Кошиф исмли шахс Мисрда Усмонийлар ноиби Муҳаммадали пошо (ноиблик даври 1805–1849) хизматига кирган, ҳатто вазир даражасига кўтарилган [10: 547]. Ўрта осиёлик шайхларнинг бир қанчаси Макка, Мадина, Дамашқ, Бағдод ва бошқа йирик шаҳарларда узоқ вақт муқим яшаб қолиб, муқаддас зиёратгоҳларда хизмат қилган.

Турон ҳамда бошқа мусулмон давлатларининг ҳукмдорлари, йирик шайхлар, сармоядорлар томонидан ҳаж йўлларидаги шаҳарларда ўртаосиёлик ҳаж зиёратчилари учун бунёд этилган кўплаб масжид, такка, зовия, ҳожихоналарда араб, турк, эрон ва ўзбек халқларининг меъморий санъати хусусиятлари акс этади. Бугунги

кунда ҳам Истанбул ва бошқа шаҳарларда сақланиб қолган қадимий таккалар бинолари тузилишида шу ҳолат кўзга ташланади. Буларнинг барчаси ҳаж сафарлари турли маданиятларнинг бир-бири билан маънавий яқинлашиши ва маърифий оламини бойитишига хизмат қилганини кўрсатиб турибди.

XVI–XIX асрларда Ўрта Осиёдан амалга оширилган ҳаж сафарлари минтақа мусулмонлари билан бошқа халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг узлуксиз давом этиши ва ривожланишини таъминлаган. Тасаввуф ғоялари, диний, дунёвий асарларнинг турли халқлар ўртасида кенг ёйилиши, минтақалар зиёлилари ва илм аҳли ўртасидаги мулоқотлар, уларнинг ўзаро яқинлашувига имкон берган. Бу жараёнлар Ўрта Осиё ва бошқа қўшни халқларнинг ўрта асрларда яратган санъат асарлари, меъморий иншоотлари, хаттотлик, назмий ва насрий асарлари мазмуни бойитган. Уларнинг аксарияти ислом оламининг юксак маданий мероси хазиналаридан муносиб ўрин олган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураҳмон Самарқандий. Рисолат ал-муборака табйин аҳвол ал-Маккат ал-муаззама ва-л-Мадинат ал-мунаввара ва-л-Масжид ал-Ақсо / ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 5199/V.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. (Ишонарли тўплам) / Арабчадан Зокиржон Исмоил таржимаси. Китоб I. Тошкент, 1991.
3. Абулаббос Муҳаммад Толиб ибн Тожиддин Ҳасанхожа ал-Ҳусайний ас-Сиддиқий. Матлаб ут-толибин / Таржимонлар Ғ. Каримий, Э. Миркомилов. Тошкент, 2016.
4. Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI−XVIII вв. (Письменные памятники). Ташкент, 1985.
5. Аҳмад Дониш. “Наводирул вақое” (Нодир воқеалар) / Форс-тожикчадан А.Ҳамроев, А.Шокиров таржимаси. Тошкент, 1964.
6. Васильев. А.Д. Знамя и меч от падишаха. Политические и культурные контакты ханств Центральной Азии и Османской империи (середина XVI–начало XX вв.). Москва. 2014.
7. Мавлавий Ҳиндистоний домланинг бошдан кечирганлари // www.ahlisunna.uz.
8. Мирза Олим Маҳдум ҳожи. Дар баёни роҳи ҳаж / ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 9373/IV.

9. Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаройи Мутрибий / ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2253.
10. Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ва хотиралар) / Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. Тошкент, 2010.
11. Низамутдинов И. Из истории среднеазиатско-индийских отношений (IX−XVIII вв.). Ташкент, 1969.
12. Низомиддинов И.Ғ. XVI−XVIII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари. Тошкент, 1966.
13. Рузбихан Фазлаллах ибн Исфахани. Михман-наме-йи Бухара. (Записки Бухарского гостя) / Перевод, предис. и прим. Р.П.Джалиловой. Москва, 1976.
14. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д.Ю.Юсупова, Р.П. Джалилова. Ташкент, 1998.
15. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Худойберган ибн Бекмуҳаммад таржимаси. Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Тошкент. 2004.
16. Шарифжон Маҳдум. Рисолаи хаттотон. Бухоро, 1923.
17. Algar Hamid. Tariqat and Tariq: Central Asian Naqshbandis on the Roads to the Haramayn // Central Asian Pilgrims Hajj Routes and Pious Visits between Central Asia and the Hijaz / Edited by Alexandre Papas, Thomas Welsford, Thierry Zarcone (eds.). Berlin, 2011. Pз. 21–136.
18. Mehmet Necmeddin Bardakçi. Cemâl-i ilâhiye ayna bir yildiz: Mehmed Necmeddin Okyay Hoca Efendi/Vefatinin 35 eilinda hattat Necmeddin Okyay.Istanbul. 2011.

Г. Таниева

XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири

Ўрта асрларда мусулмонлар орасида савдо ишидан ташқари, албатта, ҳаж амалларини адо этиш, ислом оламининг йирик маданий марказларида илм ўрганиш мақсадида ҳам ўзга юртларга саёҳат

қилиш анъанаси бўлган. Кўплаб йирик маданий марказлар Макка ва Мадина шаҳарлари йўналишида жойлашгани ҳам мазкур ижтимоий ҳодиса ривожига ижобий таъсир этган. Бу сафарда илм истаганлар айрим шаҳарларда қолиб, мадрасаларда илм ўрганган. Шу тариқа кўплаб Мовароуннаҳр алломалари турли халқлар маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшгани тарихий манбаларда зикр этилади. Бу жараён сўнгги ўрта асрларда ҳам қарийб мунтазам давом этиб, зиёратчиларнинг турли халқлар ҳаёти, маданияти, урф-одати билан танишиши, дунёқарашлари ўсишига имкон берарди.

Ушбу мақолада XVI–XIX асрларда Ўрта Осиёдан Макка ва Мадина шаҳарларига қилинган сафарларнинг турли халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири масаласи таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: *Ўрта Осиё, маданият, ҳаж, зиёратчилар, шайх, Макка, Мадина, Макка, ноёб қўлёзма асарлар, тасаввуф, нақшбандия, санъат, илм, сафар, ўрта асрлар.*

Г. Таниева

Влияние паломничества хаджа среднеазиатских мусульман на культурно-просветительскую жизнь народов в XVI–XIX вв.

В средние века среди мусульман помимо торговли была традиция путешествовать в другие страны с целью изучения знаний в крупных культурных центрах исламского мира. На самом деле путешествия в Среднюю Азию с целью обучения и паломничества были взаимосвязаны. Поскольку крупные культурные центры географически расположены недалеко от городов Мекка и Медина, было удобно возвращаться в них после совершения хаджа. Мусульмане, приехавшие в большие города с целью получения образования, совершали хадж или, наоборот, останавливались в некоторых городах во время хадж-поездок и подолгу учились в разных медресе. Многие ученые Средней Азии того времени, совершавшие паломничества, внесли значительный вклад в развитие культуры различных народов Востока. В позднее средневековье путешествия среднеазиатских ученых с целью обучения были не такими интенсивными, как в эпоху Ренессанса, но продолжались непрерывно и

позволяли паломникам-мусульманам знакомиться с бытом, культурой, обычаями разных народов и развивать свое мировоззрение.

В статье ставится задача пролить свет на влияние поездок из городов Средней Азии в города Мекки и Медины в XVI–XIX веках на культурно-идеологическую жизнь разных народов.

Ключевые слова: *Средняя Азия, культура, паломничество, паломники, шейх, Мекка, Медина, Мекка, редкие рукописи, суфизм, Накшбандия, искусство, наука, путешествия, средневековье.*

G. Tanieva

The influence of the Hajj pilgrimage of Central Asian Muslims on the cultural and educational life of peoples in the 16th-19th centuries

In the Middle Ages, there was a tradition among Muslims to travel to other countries in order to study knowledge in the major cultural centers of the Islamic world, in addition to trade. In fact, travel to Central Asia for the purpose of education and pilgrimage were interconnected. Since major cultural centers are geographically located near the cities of Mecca and Medina, it was convenient to return after the Hajj. Muslims who came to big cities for the purpose of getting an education made a hajj or, conversely, stayed in some cities during hajj trips and studied for a long time in different madrasahs. Many scientists of Central Asia of that time, who made pilgrimages, made a significant contribution to the development of the culture of various peoples of the East. In the last Middle Ages, the travels of Central Asian scientists for the purpose of education were not as intense as in the Renaissance, but continued uninterruptedly and allowed Muslim pilgrims to get acquainted with the life, culture, customs of different peoples, and develop their worldview.

The article aims to shed light on the influence of trips from the cities of Central Asia to the cities of Mecca and Medina in the 16th-19th centuries on the cultural and ideological life of different peoples.

Key words: *Central Asia, culture, pilgrimage, pilgrims, sheikh, Mecca, Medina, Mecca, rare manuscripts, Sufism, Naqshbandiya, art, science, travel, Middle Ages.*

Бизнинг авторлар

1. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, ЎзРФА вице-президенти
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусратович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.
6. **Каримов Шерзод Шавкат ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим мудири.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – тарих фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – тарих фанлар номзоди, Самарқанд Давлат университети тарих факултети тарихшунослик ва манбашунослик кафедрасининг доценти
10. **Разаков Фаррух Абдумўминович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

11. **Разакова Мавжуда Саттаровна –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, картотека бўлими мудири.
12. **Таниева Гулдона Мамановна** – тарих фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти.
13. **Тошев Солижон Аҳмаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшқабулович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

Наши авторы

1. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан, вице-президент АН РУз.
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусротович** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – доктор философсик наук (PhD) по истории, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримов Шерзод Шавкат угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института Истории Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – кандидат исторических наук, доцент кафедры историографии и источниковедения исторического факультета Самаркандского государственного университета.

10. **Разаков Фаррух Абдумумнович –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Разакова Мавжуда Саттаровна** – кандидат исторических наук, заведущий отделом картотеки Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистана.
12. **Таниева Гулдана Мамановна** – доктор исторических наук, доцент Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами.
13. **Тошев Соледжон Ахмаджонович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшкабулович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bakhrom A. Abdukhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, Director of the Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, vice-present UzAS.
2. **Dilora N. Radjabova** – Candidate of Historical Sciences, Associate Professor of the Department of the Historiography and Source Studies, history faculty Samarkand state university
3. **Farrux A. Razakov** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Farrux E. Fayzullayev**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Faxriddin N. Ibragimov** – Senior scientific researcher of Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
6. **Guldona M. Taniyeva** – DSc, dotsent of the Tashkent Pedagogical University name after Nizami.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher at the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mavjuda S. Razakova** – Candidate of Historical Sciences, Head the filing department, institute of oriental Abu Rayhan al-Biruni Academician of the Academy of Sciences of the Respublik of Usbekistan.
9. **Nargiza A. Ismatova**– Doctor of Philosophy in historical sciences (PhD), Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
10. **Natalya E. Karimova** – Doctor of Science (in History), Professor, head of the department of Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
11. **Oksana G. Pugovkina** – Senior Research Fellow, Institute of History Academy of Sciences of Uzbekistan.

12. **Sherzod Sh. Karimov**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Shoira M**. **Akramova** – Junior Researcher of Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
14. **Solejon A. Toshev** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan.